



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 80 (12.641)

Баҳоси эркин нарҳда

2014 йил 23 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ



Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да Машинасозлик, электротехника ва авиация саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари мажмуасининг тармоқ саноат ярмаркаси очилди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Тайёр маҳсулотларни маҳаллийлаштириш даражасининг оширилиши мамлакатимиз иқтисодиётини янада жадал ва барқарор ривожлантириш, унга ташқи омилар таъсирини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнига янги ва самарали технологияларни жорий этишни тезлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш, шу асосда замонавий рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратишга ёрдам беради.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилинган «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони импорти ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уни маҳаллийлаштириш жараёнини янги сифат босқичига кўтарди. Ушбу дастурий ҳужжат мамлакатимиз учун янги бўлган қатор юқори технологияли саноат корхоналарини ташкил этиш ва замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, ички бозорни импорти ўрнини босадиган арзон ва сифатли товарлар билан тўлдирish имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 24 февралда қабул қилинган «2014

йил Халқаро саноат ярмарка ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўтказилаётган Машинасозлик, электротехника ва авиация саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари мажмуаси корхоналарининг тармоқ саноат ярмаркаси доирасида шундай корхоналарнинг баъзилари билан танишиш мумкин.

Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, тadbирнинг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Ўтган йили тармоқ саноат ярмаркасида 110 корхона 800 турдаги маҳсулотни тақдим этган эди. Жумладан, 168 янги турдаги маҳсулот Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўзлаштирилган. Саноат кооперацияси асосида маҳсулот етказиб бериш бўйича 117,3 миллиард сўмлик, 2,6 миллион долларлик экспорт шартномалари имзоланган.

Жорий йилда 130 дан ортиқ корхона, жумладан, Тошкент трактор заводи, Тошкент механика заводи, «Чирчиқшўлоқмаш» очик акциядорлик жамияти, агрегат заводи, шунингдек, «Ўзавтосаноат», «Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниялари корхоналари ва бошқалар ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

Электр техникаси саноати корхоналари хилма-хил маҳсулотлар билан қатнашмоқда. «Ўзэлтехсано-

ат» акциядорлик компаниясининг маркетинг, ишлаб чиқариш, экспорт салоҳиятини ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Х.Юсуповнинг сўзларига кўра, жорий йилда тармоқ саноат ярмаркасида 15 корхона ўндан ортиқ янги турдаги маҳсулотни тақдим қилмоқда. Улар орасида «Sino» очик акциядорлик жамияти, «Arte» савдо белгиси остидаги компаниялар гуруҳи, «Zenith Electronics» қўшма корхонаси ва бошқалар мавжуд.

Мазкур корхоналарнинг стендлари иштирокчилар ва бу ерга ташриф буюраётганларни ўзига кўпроқ жалб этмоқда. Негаки, сўнгги йилларда электр техникаси корхоналари қатор мураккаб маҳсулот ва радиотехника асбоблари — телевизор, маҳсулот ва саноат советчилари, кондиционер, газ плиталари, чангпютич, энергия тежайдиган лампалар, электр чойнақлари, дазвол ва телефонларнинг замонавий русумларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Ўтган йили тармоқ ярмаркасида мазкур корхоналар томонидан электр техникаси маҳсулотларини сотиш бўйича қиймати 2 миллиард сўмдан зиёд шартномалар тузилган эди. Жорий йилда бу миқдор 3 миллиард сўмга етиши кутилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ИСПАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Испания ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Испания Қироллиги Ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, ёқилғи-энергетика, қурилиш, машинасозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, озиқ-овқат, кимё, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, геология ва минерал ресурслар, транспорт ва транспорт коммуникациялари, алоқа ва ахборот технологиялари, электротехника каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ҳамда концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Элёр Фаниев, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Испания Қироллиги ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири Хосе Мануэль Гарсиа-Маргалья мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. Ушбу форум ўзаро савдо, иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очилиши қайд этилди.

Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги иқтисодий алоқалар жадал тараққий этмоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик

компанияси билан Испаниянинг «Talga» компанияси, «Ўзкимё-саноат» давлат-акциядорлик компанияси билан «Махат» компанияси, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Испания Қироллиги Саноат, сайёҳлик ва савдо вазирлиги ўртасида яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган бўлиб, ушбу соҳаларда қатор қўшма лойиҳалар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон билан Испания ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилади. Мамлакатимизда «HispanTex» (тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш), «Махат-Chirchiq» ва «Махат-Uzbekistan» (кимё саноати), «Balkan Eksport Import Asia» (қурилиш материаллари ишлаб чиқариш) каби кўплаб қўшма корхоналар мавжуд.

Ўзаро ҳамкорлигимиз йил сайин ривожланиб бораётганини мамнуният билан таъкидламоқчиман, — деди Хосе Мануэль Гарсиа-Маргалья. — Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ва изчил ривожланаётган. Мамлакатимиздаги барқарорлик, хорижий сармоядорлар учун яратилган қулайлик ва имтиёزلар самарасида икки мамлакат ишбилармонлари томонидан қатор қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўзаро ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш учун катта имкониятлар мавжуд. Ушбу бизнес-форум ана шу имкониятлардан тўла-роқ фойдаланиш, ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган «Менинг бизнес-ғоям» республика танловининг Жиззах вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 130 нафар битирувчиси ўз бизнес лойиҳаси ва ғояларини тақдим этди.

● Фарғонада анъанавий «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Фарғона вилояти мудофаа ишлари, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашлари ҳамкорлигида ўтказилган мусобақада туман ва шаҳар босқичларида голиб бўлган 19 жамоа иштирок этди.

● Нукус шаҳрида соғлом бола тарбиясида миллий қадриятларнинг ўрни ва аҳамиятига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

● Бухорода «Юксак маънавиятли авлод» шиори остида ўтказилаётган республика ёшлар фестивалининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари иштирок этди.

● Жиззахда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг вилоят босқичи ўтказилди.

● Навоийда «Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва улар доимий комиссияларининг фаолияти мониторинги ҳамда маҳаллий кенгашлар сайловига оид қонунчилик» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Лондонда Уэльснинг Кардифф шаҳридан Мисрнинг Шарм аш-Шайх шаҳри томон парвоз қилган Боинг-737 самолёти бир соатдан сўнг ҳаво кemasи двигателига чағалайларикириб қолганлиги боис «Гэтвик» аэропортига шойилинч кўнишга мажбур бўлди. Фавқуллодда ҳодиса натижасида самолёт ва йўловчиларга ҳеч қандай шикаст етмади.

● Жанубий Кореянинг Сарик денгизда чўкиб кетган «Севол» паромидеги юкнинг белгиланган меъёрдан 3,5 баравар ортиқлиги текширувлар натижасида аниқланди. Шунингдек, ушбу кемада имкон қадар кўпроқ йўловчиларни ташиш учун қўшимча каюталар қурилганлиги ҳам маълум бўлди. «Севол» кемаси ҳалокати натижасида ҳаётдан кўз юмганлар сони 121 нафарга етди.

● Мали жангарилари 2012 йилда гаровга олинган Франция фуқаролигига эга, келиб чиқиши португалиялик бўлган Жильберт Лиалнинг ўлдирилганлигини маълум қилишди.

● Вашингтондаги ҳайвонот боғида одам кўп тўпланган чоғда номаълум кишилар томонидан амалга оширилган отишма туфайли икки киши яраланди ва касалхонага ётқизилди. Дастлабки маълумотларга кўра, отишмани икки нафар ўсмир амалга оширганлиги гумон қилинмоқда ва улар ҳозирда полиция томонидан изланмоқда.

2014 йил — Соғлом бола йили

ОИЛА — МАЪНАВИЯТ ҚЎРҒОНИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросига бағишлаб «Маънавият оиладан бошланади» деб номланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.

устунли айвон», «Оила — муқаддас», «Аҳил қайнона ва келин», «Соғлом оила — юрт келажаги» каби мавзуларда ўтказилаётган суҳбат ва учрашувлар оилаларда маънавий муҳитни янада яхшилаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, тиббий маданиятни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Умумтаълим мактабларида «Саломатлик алифбоси», «Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила», лицей ва коллеж талабалари учун «Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш» мавзуларида факультатив дарслар ўқитилмоқда. Олий ўқув юртларида «Ёш оила қурувчилар мактаби» ташкил этилиб, уларда талаба-ёшларга мутахассислар томонидан соғлом ва барқарор оила қуришнинг тиббий-психологик жиҳатлари тушунтирилади.

— Инсон ҳаётидаги барча маънавий мезон ва қарашлар оила бағрида шаклланади, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси етакчи мутахассиси Муҳиба Ҳамидова. — Президентимиз «Юксак маънавият —

енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлими ўзаро ҳурмат, одоб-ахлоқ, инсоний муносабатлар асосига қуриш аниқ муддаодир. Бу борада она шахси, унинг фарзанд тарбиясидаги роли улкан аҳамиятга эга.

Анжуманда Хотин-қизлар кўмитаси ва давлат органлари, таълим муассасалари, кенг жамоатчилиқнинг ҳамкорлигини янада кучайтириш, «оила — маҳалла — таълим муассасаси» механизмидан самарали фойдаланиш, ёш оилалар билан ишлашда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билим ва тажрибасини бойитиб бориш, иш услубларини такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонава иштирок этди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири

ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида «Соғлом бола

йили»га бағишланган «Унутилмас оҳанглар» лойиҳаси доирасида «Санъатимиз жавоҳирлари» мавзусидаги концерт дастури бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақаларининг ҳудудий босқичлари якунига бағишланган

матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент Тиббиёт академиясида «Соғлом юрт фарзандларимиз!» номли спорт мусобақалари ўтказилади.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ярмаркада мамлакатимиз автомобил саноати салоҳиятини жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқараётган қатор корхоналар намойиш қилмоқда. Масалан, «General Motors Uzbekistan» қўшма корхонаси «Chevrolet» савдо белгисидagi тўқизта автомобилни кўргазмага қўйди. Жорий йилдан бошлаб ишлаб чиқарилаётган «Chevrolet Orlando» оилавий минивэни асосий экспонатга айланди. «JN MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонаси юк авто-транспортларининг кенг турларини тақдим этмоқда. Корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган самосвал, комбинацияланган йўл машиналари, «FAUN» чикинди ташиш транспортлари, «Betamix» қоритирувчи, цемент ташийдиган машина ва бошқа техникалардан автомобиль ҳамда темир йўл қурилиши, реконструкция қилиш ва шаҳарлараро ташишда самарали фойдаланилмоқда. «СамАвто» масъулияти чекланган жамияти ярмаркада бир неча турдаги махсус техникалар, «Isuzu» автобусларини кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилмоқда. Шунингдек, корхонада ишлаб чиқилган янги шосселин ва тез тиббий ёрдам машинаси иштирокчилар учун янгилик бўлди.

Тармоқ саноат ярмаркаси қишлоқ хўжалик машинасозлигининг энг сўнгги ютуқлари билан таништириш имконини бермоқда. Тошкент трактор заводи трактор, тиркама, пахта териш машиналарининг бир неча турини, агрегат заводи эса пуракачи, севалка,



роторли ўроқ, ўғит сочадиган техникалар, «Технолог» очик акциядорлик жамияти пахта териш машиналарининг бутловчи қисмларини, «Чирчикшломаш» очик акциядорлик жамияти плуг ва культиваторларини намойиш қилмоқда.

«Uz CLAAS Agro» масъулияти чекланган жамияти 18 турдаги технологик асбоб-ускуна ва 8 русумдаги қишлоқ хўжалиги техникаларини тақдим этмоқда. Улар орасида айни пайтда Тошкент вилоятида синовдан ўтказилаётган гўза қатор ораларига ишлов беришга мўлжалланган янги трактор ҳам

мавжуд. Тез орада мазкур тракторни серияли ишлаб чиқариш режалаштирилади. Машинасозлик, электр техникаси ва авиация саноати, маҳсулотларни стандартлаштириш соҳаларини ривожлантириш ва ҳамкорлик борасидаги тақдирларга оид ба-тафсил маълумотларни корхоналар тақдимида олиш мумкин.

Тармоқ саноат ярмаркаси очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розулов сўзга чиқди.

Мехрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири

Шаҳримиз янада обод ва кўкаламзор бўлсин

ВАТАНИМ ОБОДЛИГИГА МЕНИНГ ҲИССАМ

Тошкент шаҳар ҳокимининг фармойишига мувофиқ шаҳримизда «Ватаним ободлигига менинг ҳиссам» шиори остида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари ўтказилди.

Пойтахтимиздаги барча корхона ва ташкилотлар ҳамда маҳаллалар аҳли иштирокида кенг миқёсда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг амалга оширилиши натижасида кўчалар ва хибонларнинг хусну таровати янада очилди. Айниқса фармойишда белгиланган манзилли чора-тадбирларга кўра шаҳримиздаги маҳалла, корхона ва ташкилотлар ҳудудлари, мавзелада кўлаб манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Мазкур ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари давомида пойтахтимизнинг кўча ва майдонлар, маҳалла гузарлари тартибга келтирилди, янги боғлар яратилди,

дарахт ва гул кўчатлари ўтказиш тадбирлари амалга оширилди. Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси тизимига режа бўйича ажратилган манзарали дарахтлар экилиши шаҳримиз чиройига янада чирой қўшди десак адашмаган бўламиз. Манзарали ва бута кўчатлари, бундан ташқари қрим қарағайи ва каштан дарахтлари экилди.

Натижада пойтахтимизда экологик мусаффолик таъминланмоқда, яшил ҳудудлар майдони кенгайпти. Буларнинг бари шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади, албатта.

Зарина РУСТАМОВА

«Пойтахт» бизнес марказида Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликлари кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази ҳамкорлигида «Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш — инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашдаги бош вазифа» мавзусида анжуман ташкил этилди.

Журналистларнинг суд-ҳуқуқ тизимига оид билимини ошириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни жамоатчиликка етказиш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлашда ОАВ масъулиятини кучайтиришга қаратилган ушбу тадбирда суд-ҳуқуқ соҳасидаги муносабатларни тўлиқ тартибга солуви, халқаро талабларга жавоб берувчи қонунчилик базасини шакллантириш ва такомиллаштириш босқичлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтилди.

Жумладан тадбирда сўз олган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А. Саидов, Олий Махлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси О. Оқилов, Адлия вазирлиги Нотариат, адвокатура ва ФХДЭ органлари бошқармаси катта мас-

Маълумки бугунги кунда республикаимизда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш йўлида барча соҳаларда кенг қамровли ислохотлар олиб борилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад — инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш, уларни ҳимоя қилишдир. Бу борада қонун устуворлиги тамойили асосида суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Анжуманлар

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИГИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

лахатчиси А. Шарафуддинов, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази директори ўринбосари М. Тиллабоев ва бошқалар таъкидлаб ўтганларидек, мустақиллик йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан ортиқ халқаро ҳужжатга қўшилди ва уларнинг асосий қоидалари миллий қонунчилигимизга имплементация қилинди. Сўнгги етти йил давомида соҳада 60 дан зиёд тегишли қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Босқичма-босқич янгиланишлар жараёнида судларнинг ихтисослашуви амалга оширилди, кассация институти ислох қилин-

ди, ишларни апелляция тартибда қайта кўриб чиқиш тартиби, ярашув институти жорий этилди, суд юритувининг барча босқичларида томонлар тенглиги таъминланди. 2008 йил 1 январдан бошлаб мамлакатимизда ўлим жазоси бёкор қилинди, судларга қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи ўтказилди.

Тадбир иштирокчилари давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасида янги

Шаҳримизда ёшларнинг таълимдан сўнг бандлигини таъминлаш, касбга йўналтириш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ёшлар орасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, касаначиликни фаоллаштириш ҳамда уларга микромолиявий хизматлар кўрсатиш орқали янги иш ўринларини яратиш мақсадида тизимли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Тадбирлар

ДИПЛОМ БИЛАН БИЗНЕСГА

Чилонзор туманидаги 1-Тошкент педагогика коллежида ўтказилган «Диплом билан бизнесга» мавзусидаги давра суҳбатида ҳам шу ҳақда сўз борди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Тадбиркор ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси Чилонзор туман Кенгаши хамкорлигида ўтказилган тадбирда хамкор ташкилотлардан вакиллари ва «Микрокредитбанк»нинг масъул ходимлари ҳамда туманда жойлашган ўрта махсус, касб-хуна тар- таълим муассасалари битирувчилари ишти- рок этди.

Ушбу анжуман давомида сўзга чиққан- лар мамлакатимизда ёшлар, айниқса, касб- хуна коллежи битирувчиларининг банд- лигини таъминлаш борасида яратилган кенг имкониятлар ҳақида ва лойиҳанинг мазмун-моҳияти тўғрисида алоҳида тўхта- либ ўтишди.

Давра суҳбати қизгин тарзда давом этиб, тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларига мутахассислар томонидан жавоб олишди.

Зухриддин АБДУЛЛАЕВ

ИСПАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Форумда испаниялик ишбилармонлар Ўзбекистонда саноат ва кичик бизнесни ривожлантириш борасида амал- га оширилаётган ислохотлар, хусусийлаштириш жараён- лари, «Навой» эркин индустриал-иктисодий, «Ангрен» ва «Жиззах» махсус индустриал зоналаридаги қулайлик ва имтиёзлар билан атирофда таништирилди.

Мамлакатларимизнинг иқтисодий салоҳияти ва им- кониятларидан янада кенгрок фойдаланиш юзасидан фикр алмашилди. Савдо, иқтисодиёт, сармоя, нефть- газ, темир йўл, энергетика, кимё, озиқ-овқат, фарма- цевтика каби соҳаларда ҳамкорликни янада ривож- лантириш, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, Испания компанияларини мамлака- тимиздаги хусусийлаштириш жараёнига жалб этиш, қўшма корхоналарни, ўзаро товар айирбошлаш ҳа- мини кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди.

— Ўзбекистон улкан салоҳиятга эга, шу боис дунё- нинг кўлаб давлатлари мамлакатингиз билан ҳам- корликни кенгайтиришга интилоқда, — деди «Inites Energia» компаниясининг бизнесни ривожлантириш бўйича директори Хуан Карлос Гарсиа Вилла. — Компаниямиз электр станциялари барпо этиш билан шуғулланади. Бу йўналишда Ўзбекистон билан беш йилдан бундан фео хамкорлик қилиб келмоқдамиз. Навоийдаги иссиқлик электр станциясида 400 мега- ваттли буғ-газ қурилмасининг барпо этилиши ана шу хамкорлик натижасидир. 2013 йилда Тошкентда ўтказилган Осиё қуёш энергияси форумининг олтин- чи мажлисида иштирок этгандик. Ўзбекистон қайта тикланадиган энергия манбалари борасида катта имкониятга эга. Юртингиз олимларининг қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириш бўйича инновация технологияларини ишлаб чиқишда фео иштирок этаётганига ҳавас қилса арзийди.

Бизнес-форум якунида икки мамлакат ўртасида савдо, сармоя, фармацевтика, темир йўл қурилиши, машинасозлик каби соҳалардаги хамкорликни янада мустаҳкамлашга оид ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Испания ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперация биржа бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ишбилармонлари биргаликда кўлаб соҳаларда ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан фикрлашиб олди.

Испания Кируллиги ташқи ишлар ва хамкорлик вазирлиги Хосе Мануэль Гарсиа-Маргальо Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иш- лар вазирлиги билан Испания Кируллиги Ташқи иш- лар ва хамкорлик вазирлиги ўртасида 2014-2016 йил- ларга мўлжалланган хамкорлик дастури имзоланди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

ЮРИДИК ТАЪЛИМ ТИЗИМИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙГУНЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги «Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий фанлар ўқитиш тизимини такомиллаштиришга бағишланган республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Тадбирда Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим ва- зирликлари, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳу- зурдаги давлат бошқаруви академияси ва «Истеъдод» жамғармаси қошидаги масофали ўқитиш маркази, Ички ишлар вазирлиги академияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантириш- ни мувофиқлаштириш қўмитаси ва Давлат тест мар- кази ходимлари, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юри- стар малакасини ошириш маркази, Бош прокурату- ранин Олий ўқув курслари, Тошкент давлат юридик уни- верситети ва бошқа олий ўқув юртлири профессор- ўқитувчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Конференцияда олий таълим муассасаларида ҳуқуқий фанларни ўқитиш тизимини такомиллаш- тириш, назария ва амалиёт уйғунлигини таъмин- лаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, юридик таъ- лим тизимини модернизация қилиш, замонавий пе- дагогик технологиялардан фойдаланиш йўналиш- лари, амалий касбий тайёргарликни ривожланти- риш каби масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини қарор топтириш, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликла- рини чуқур англаш ва ҳуқуқий маданиятини юксалти- ришда юридик кадрларнинг роли катта эканлиги сўзга чиққанлар томонидан алоҳида эътироф этилди. Бу борада Президентимизнинг «Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори соҳада олиб борилаётган ислохотларни янги босқичга қўтарди.

Қайд этилганидек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини аниқловчи мезонлар, юридик таълим соҳасидаги амалиётда бўлган давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, илмий-методик адабиёт ва қўлланма- ларни янада такомиллаштириш зарур.

Конференция якунида ҳуқуқий фанларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан так- лифлар ишлаб чиқилди.

Ақбар ЭЛМУРОДОВ,
«Туркистон-пресс»

Чилонзор туман ҳокимлигида «Тадбиркорлар куни» тадбири ташкил этилди.

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Чилонзор туман ҳокимлиги ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг туман ахборот-мас- лахат маркази билан ҳамкорликда ташкил этил- ган тадбирда тумандаги тижорат банклари, солиқ инспекцияси, «Ўзтадбиркорэкспорт» их- тисослаштирилган ташқи савдо компанияси ва бошқа бир қатор идоралар вакиллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

Тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбир- корлик иқтисодиётимиз ривожланишининг асосий омил бўлиб, аҳоли турмуш фаровон- лигини оширишда етакчи қучга айлангани таъкидлаб ўтилди. Соҳани кўлаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида тумандаги корхоналар томонидан рақобатбардор ва экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқарилимоқда.

Бугунги кунда туманда беш мингдан зиёд юридик ва 2,4 мингдан ортиқ яқна тартибдаги тадбиркор фаолият кўрсатмоқда. 37 та лойиҳа бўйича икки миллиард сўмлик инвестиция ки- ритилиб, 130 га яқин янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, молия-хўжалик фаолиятини амал- га оширмаётган, қонунчиликда белгиланган

муддатларда ўзларининг устав жамғармалари- ни шакллантирмаган корхоналарни тугатиш бўйича доимий ишловчи туман махсус комис- сия томонидан йиғилишлар ўтказилиб, ишлаб чиқариш соҳасидаги 8 та, хизмат кўрсатиш соҳасидаги 10 та корхонанинг фаолиятини тик- лашда амалий ёрдам кўрсатилди.

Йиғилишда соҳа вакилларига имкониятлар яратиш, замонавий технологияларга асослан- ган, шу жумладан хорижий инвесторлар иш- тирокида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ин- новация технологияларини жорий этиш, улар- нинг фаолиятини ривожлантиришга ҳар томон- лама кўмак бериш каби масалалар хусусида сўз юритилди.

Тумандаги мутасадди ташкилотлар томони- дан кўрсатилаётган ёрдам тадбиркорларимиз фаолиятининг янада барқарор ва мутаносиб ривожланишига, ташқи бозорда ўзининг мус- таҳкам ўрнини эгаллашга, шулар асосида мам- лакатимизнинг изчил иқтисодий ўсиши таъмин- ланишига, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фа- ровонлигини янада оширишга замин яратяди.

Абдуалим САЛИМОВ

Таълим

ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида «Соғлом бола йили»га бағишланган «Фан, таълим ва ишлаб чиқариш инновация индустриал-иктисодийнинг барқарор ривожланишида» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ялпи мажлис Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали раҳбари ўринбосари А.Маманазаров, «Ижтимоий фикр» жа- моатчилиги фикрини ўрганиш маркази директори Р.Убайдуллаева, На- вий давлат педагогика институти профессори С.Иноятлов ва бошқа- ларнинг «Ўзбекистоннинг инновация шариоитида талабалар иқтисод- дий маданиятини шаклланиши», «Ўзбекистонда оила институтининг баркамол авлодни тарбиялаш ва тайёрлашдаги аҳамияти», «Кадрлар тайёрлашнинг ўзбек модели: таълим ва фан жараёни» каби маъруза- лари билан бошланди.

Анжуман мавзуси бўйича 400 дан ортиқ маъруза ва бошқа чиқиш- лар тақдим этилди. Анжуман материалларининг тўплам ҳолида нашр этилиб тарқатилганлиги ўзаро таҳриба алмашиш, тадқиқот, илмий- услубий ишларда, таълим, тарбия жараёнида, фан ва ишлаб чиқа- риш, интеграцияда хизмат қилади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

